

УЧИНЧИ БЎЛИМ

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИНИНГ ҚАРОРИ

632 Республика аҳоли пунктларида санитария жиҳатидан тозалаш тизимини ривожлантириш ва такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида

Республика шаҳарлари ва аҳоли пунктларининг замонавий қиёфасини шакллантириш, уларни замонавий шаҳарсозлик нормаларига мувофиқлаштириш ҳамда санитария-экологик вазиятни яхшилаш мақсадида республикада аҳоли яшаши учун муносиб уй-жой ва ижтимоий-маиший шароитлар яратиш, янги қулай уй-жойлар қуриш, йўл-транспорт ҳамда муҳандислик-коммуникация инфратузилмасини реконструкция ва модернизация қилиш, аҳолини ичимлик сув билан таъминлаш, аҳоли пунктларини, айниқса қишлоқ жойларда ободонлаштириш бўйича изчил чора-тадбирлар кўрилмоқда.

Шу билан бирга, республика шаҳарлари ва туманларида аҳолининг қаттиқ маиший чиқиндиларини ташиб кетишни ташкил этиш ишлари қониқарсиз ҳолатдадир, деярли барча шаҳарларда аҳолининг қаттиқ маиший чиқиндиларини ташиб кетиш тизимли асосда амалга оширилмаяпти, санитария жиҳатидан тозалаш бўйича ихтисослаштирилган ташкилотларнинг моддий-техника базаси маҳсус техника билан зарур миқдорда таъминланмаган, мавжуд полигонлар санитария қоидалари ва нормаларига жавоб бермайди, бир қатор жойларда тартибсиз ташкил этилган ахлатхоналардан фойдаланилмоқда.

Маҳаллий давлат ҳокимияти органлари томонидан уларга қаттиқ маиший чиқиндиларни йўқотиш соҳасидаги тадбиркорлик фаолиятини ривожлантириш учун шарт-шароитлар яратиш ҳамда қаттиқ маиший чиқиндиларни йиғиш ва утилизация қилиш ташкилотларини барпо этишга кўмаклашиш бўйича «Чиқиндилар тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунига мувофиқ берилган ваколатлар тўлиқ даражада рўёбга чиқарилмаяпти.

Аҳоли турмуш даражаси ва сифатини ошириш чора-тадбирлари комплексини бажариш, жойларда санитария ва экологик вазиятни тубдан яхшилаш, аҳолининг қаттиқ маиший чиқиндиларини ташиб кетиш ва жойлаштириш бўйича санитария жиҳатидан тозалаш борасида ўз вақтида ва сифатли хизматларни самарали ташкил этиш мақсадида Вазирлар Маҳкамаси **қарор қилади:**

1. Қуйидагилар республика минтақаларида аҳолининг қаттиқ маиший чиқиндиларини ташиб кетиш бўйича санитария жиҳатидан тозалашни ташкил қилишнинг асосий вазифалари этиб белгилансин:

шаҳарлар ва аҳоли пунктларининг ташқи қиёфасига бўлган замонавий

шахарсозлик талабларини ҳисобга олган ҳолда, қаттиқ маиший чиқиндиларни ташиб кетиш ва уларни санитария қоидалари ва нормаларига қатъий мувофиқ ҳолда жойлаштириш ишларининг ташкил этилишини таъминлаш;

барча босқичларда, шу жумладан полигонларда қаттиқ маиший чиқиндиларни тўплаш, сортларга ажратиш, ташиш, полигонларда кўмиб ташлашда санитария жиҳатидан тозалаш объектларидан фойдаланиш ва сақлаш ҳамда уларни санитария ва экология талабларига мувофиқ ҳолда утилизация қилиш ишларини ташкил этиш;

аҳоли бандлигини ошириш, санитария жиҳатидан тозалаш соҳасидаги ишларни самарали ташкил этиш учун кўшимча иш ўринлари ва шарт-шароитлар яратиш;

қаттиқ маиший чиқиндиларни ташиб кетиш бўйича хизматлар кўрсатилган ташкилотларнинг моддий-техника базасини мустаҳкамлаш;

қаттиқ маиший чиқиндилар билан ишлаш объектларининг санитария ва экологик ҳолати юзасидан жамоатчилик назоратини таъминлаш.

2. Қуйидагилар:

2014-2015 йилларда республика шаҳарларида санитария жиҳатидан тозалаш бўйича ихтисослаштирилган ташкилотларни махсус техника билан жиҳозлаш дастури 1-иловага* мувофиқ;

2014-2015 йилларда туманларнинг ободонлаштириш бошқармаларини махсус техника билан жиҳозлаш дастури 2-иловага* мувофиқ;

2014-2015 йилларда республика аҳоли пунктларида ахлатларни тўплаш шохобчаларини қуриш ва уларни контейнерлар билан жиҳозлаш дастури 3-иловага* мувофиқ;

2014-2015 йилларда ободонлаштириш бошқармаларининг фаолият кўрсатётган қаттиқ маиший чиқиндилар полигонларини тартибга солиш ва уларни махсус техника билан жиҳозлаш дастури 4-иловага* мувофиқ;

2014-2015 йилларда санитария жиҳатидан тозалаш бўйича ихтисослаштирилган ташкилотларнинг фаолият кўрсатётган қаттиқ маиший чиқиндилар полигонларини тартибга солиш ва уларни махсус техника билан жиҳозлаш дастури 5-иловага* мувофиқ;

2014-2015 йилларда республика минтақаларида ободонлаштириш бошқармаларининг қаттиқ маиший чиқиндилар янги полигонларини қуриш ва уларни махсус техника билан жиҳозлаш дастури 6-иловага* мувофиқ;

ушбу қарор билан тасдиқланган дастурларни молиялаштириш манбалари 7-иловага* мувофиқ;

2014-2015 йилларда республика шаҳарларида, туманлар марказларида, шаҳар посёлкаларида ва қишлоқ аҳоли пунктларида санитария жиҳатидан тозалашни ташкил этишга доир комплекс тадбирлар (кейинги ўринларда Комплекс тадбирлар деб аталади) 8-иловага мувофиқ;

Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар, шаҳарлар ва туманлар ҳокимликлари даражасида Комплекс тадбирларни бажариш бўйича ишчи гуруҳлар таркиблари 9 ва 10-иловаларга мувофиқ тасдиқлансин.

* 1 — 7-иловалар рус тилидаги матнда берилган.

3. Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши ва вилоятлар ҳокимликлари, Ўзбекистон Республикаси Табиатни муҳофаза қилиш давлат қўмитаси, «Ўзкоммунхизмат» агентлиги, Ўзбекистон Республикаси Давлат архитектура ва қурилиш қўмитаси, Соғлиқни сақлаш вазирлиги, Молия вазирлиги ҳамда Иқтисодиёт вазирлиги қуйидагиларни белгиланган тартибда таъминласинлар:

уч ой муддатда — ахлатларни тўплаш шохобчалари ва қаттиқ маиший чиқиндилар полигонлари қуриш учун шаҳарлар, туманлар ва қишлоқ аҳоли пунктларида ер участкаларини танлаш ва ажратиш;

ахлатларни тўплаш шохобчалари ва қаттиқ маиший чиқиндилар полигонлари қуришнинг лойиҳа-смета ҳужжатларини ишлаб чиқиш ҳамда манзилли рўйхатларини тасдиқлаш;

ҳар йили 1 январгача — танлов савдолари ўтказиш, пудрат шартномаларини белгиланган тартибда тузиш ҳамда ахлатларни тўплаш шохобчалари ва қаттиқ маиший чиқиндилар полигонлари қуришнинг якуний манзилли рўйхатларини тасдиқлаш;

тасдиқланган дастурларнинг, Комплекс тадбирларнинг ва ажратилаётган маблағлардан мақсадли фойдаланишнинг амалга оширилиши юзасидан тизимли мониторинг олиб бориш;

келгусида ташиб кетиш харажатларини камайтириш мақсадида, чиқитсиз қайта ишлашни ҳисобга олган ҳолда, қаттиқ маиший чиқиндиларни сортларга ажратиш ва утилизация қилишни ташкил этишга доир тадбирлар комплексини ишлаб чиқиш;

улар ўртасида кооперация алоқаларини ўрнатган ҳолда қаттиқ маиший чиқиндиларни сортларга ажратиш ва қайта ишлаш бўйича тижорат ташкилотлари ташкил этиш.

4. Белгилансинки, қаттиқ маиший чиқиндиларни ташиб кетиш хизматлари кўрсатиш:

шаҳарларда — санитария жиҳатидан тозалаш бўйича ихтисослаштирилган ташкилотлар томонидан;

туманлар марказларида, шаҳар посёлкаларида ва қишлоқ аҳоли пунктларида — ободонлаштириш бошқармалари томонидан амалга оширилади.

5. Белгилаб қўйилсинки, шаҳарларда ахлатларни тўплаш шохобчалари қурилиши тугаллангач ва улар контейнерлар билан жиҳозлангач ахлатларни тўплаш шохобчалари, келгусида улардан фойдаланиш учун, санитария жиҳатидан тозалаш бўйича ихтисослаштирилган ташкилотлар томонидан текин фойдаланиш учун берилади.

6. Ўзбекистон Республикаси Табиатни муҳофаза қилиш давлат қўмитаси қаттиқ маиший чиқиндиларни қўмиб ташлаш бўйича янгидан ташкил этилаётган полигонларни давлат экология экспертизасидан ўтказишни ҳамда қаттиқ маиший чиқиндиларни қўмиб ташлаш ва утилизация қилиш жойларининг давлат кадастрини юритишни таъминласин.

7. «Ўзавтосаноат» акциядорлик компанияси, маҳаллий давлат ҳокимияти органлари билан келишув бўйича, етказиб бериш жадвалларини тасдиқлаган ҳолда, 1, 2, 4, 5 ва 6-иловаларга мувофиқ махсус автотранспорт (ах-

лат ташигичлар, ағдарма машиналар)нинг ўз вақтида ишлаб чиқарилишини ва етказиб берилишини таъминласин.

8. Тижорат банкларига, махсус техника сотиб олиш, қаттиқ маиший чиқиндилар полигонларини тартибга солиш ва жихозлаш учун санитария жихатидан тозалаш бўйича ихтисослаштирилган ташкилотларга 1 ва 5-иловаларга мувофиқ имтиёзли кредитлар ажратиш тавсия этилсин.

9. Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлигининг Назорат-тафтиш бош бошқармаси амалга оширилган ишларнинг яқунлари бўйича, бажарилган ишларнинг ҳажмлари, сифати ва объектларни ишга тушириш муддатларининг тасдиқланган дастурларга, манзилли рўйхатларга ҳамда лойиҳа-смета ҳужжатларга мувофиқлигини текширувдан ўтказсин.

10. Вазирлар Маҳкамасининг «Республика аҳоли пунктларини ободонлаштириш ишларини ташкил этишни такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида» 2013 йил 10 январдаги 4-сон қарорига (Ўзбекистон Республикаси ҚТ, 2013 й., 1-сон, 2-модда) 11-иловага мувофиқ ўзгартириш ва қўшимчалар киритилсин.

11. Мазкур қарорнинг бажарилишини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг биринчи ўринбосари Р.С. Азимов ва Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари Б.И. Закиров зиммасига юклансин.

**Ўзбекистон Республикасининг
Бош вазири**

Ш. МИРЗИЁЕВ

Тошкент ш.,
2013 йил 3 декабрь,
315-сон

Вазирлар Маҳкамасининг
2013 йил 3 декабрдаги 315-сон қарорига
8-ИЛОВА

632-модда

**2014-2015 йилларда республика шаҳарлари, туманлар марказлари, шаҳар посёлкалари
ва қишлоқ аҳоли пунктларида санитария жиҳатидан тозалашни ташкил этишга доир
КОМПЛЕКС ТАДБИРЛАР**

| Т/р | Тадбирлар номи | Бажариш муддати | Масъул бажарувчилар |
|---|---|--------------------|---|
| I. Қаттиқ маиший чиқиндиларни ташиб кетиш ва қўмишни ташкил этиш учун махсус техника билан жиҳозлаш | | | |
| 1. | Махсус автотранспорт (ахлат ташигичлар, ағдарма машиналар)ни ўз вақтида ишлаб чиқариш ва етказиб беришни таъминлаш, маҳаллий давлат ҳокимияти органлари билан келишган ҳолда етказиб бериш жадвалларини тасдиқлаш. | 2014-2015 йиллар | «Ўзавтосаноат» АК, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши ва вилоятлар ҳокимликлари |
| 2. | Санитария жиҳатидан тозалашнинг ихтисослаштирилган корхоналарига махсус техника сотиб олиш учун қайтариш муддати камида 5 йил бўлган имтиёзли кредитлар ажратилишини тижорат банклари томонидан таъминлаш. | 2014-2015 йиллар | Ўзбекистон Республикаси Марказий банки, тижорат банклари |
| 3. | Туманлар ва шаҳарларда махсус автотранспорт воситалари (ахлат ташигичлар, бульдозерлар, юк оргичлар, ағдарма машиналар) ва асбоб-ускуналар (автотарозилар) харид қилинишини таъминлаш. | 2014-2015 йиллар | Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши ва вилоятлар ҳокимликлари, тижорат банклари, санитария жиҳатидан тозалаш бўйича ихтисослаштирилган ташкилотлар, ободонлаштириш бошқармалари |
| II. Республика шаҳарларида — туман марказлари, шаҳар посёлкалари ва қишлоқ аҳоли пунктларида қаттиқ маиший чиқиндилар билан ишлаш инфратузилмасини ташкил этиш | | | |
| 4. | 2014-2015 йилларда ахлат тўплаш шохобчалари, қаттиқ маиший чиқиндиларнинг янги полигонларини ташкил этиш ва уларни тегишли равишда жиҳозлаш дастурларига мувофиқ қаттиқ маиший чиқиндилар билан ишлашнинг қуйидагиларни назарда тутувчи схемаларини ишлаб чиқиш: 1) ахлат тўплаш майдончалари ва контейнерларни жойлаштириш; 2) янгидан ташкил этиладиган полигонларни жойлаштириш; | 2014 йил 1 январь | Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши ва вилоятлар ҳокимликлари, «Ўзкоммунхизмат» агентлиги, Табиатни муҳофаза қилиш давлат қўмитасининг ҳудудий бошқармалари, давлат санитария-эпидемиология назоратининг ҳудудий марказлари, «Давархитектқурилиш» қўмитасининг ҳудудий бошқармалари |

Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўғрисида, 2013 й.

— 10 —

49 (601)-сон

| Т/р | Тадбирлар номи | Бажариш муддати | Масъул бажарувчилар |
|-----|---|-------------------|---|
| | <p>3) қуйидагиларда: туман марказларида, туман марказидан 25 километргача радиусда жойлашган шаҳар посёлкалари ва қишлоқ аҳоли пунктларида, бир ҳафтада камида икки марта; туман марказидан 25 километрдан 80 километргача масофадаги қишлоқ аҳоли пунктларида — бир ҳафтада камида бир марта аҳоли пунктлари ҳудудларини изчил қамраб олиш ва махсус автотранспорт ҳаракатланиши йўналишлари ҳисобга олинган ҳолда шаҳарларда санитария жиҳатидан тозалаш бўйича ихтисослаштирилган ташкилотлар томонидан ва туманларда ободонлаштириш бошқармалари томонидан тузилган қаттиқ маиший чиқиндиларни ташиб кетишнинг кундалик режа-жадвалини тузиш.</p> <p>Яқин жойлашган қишлоқ аҳоли пунктларида, бироқ туман марказидан 80 километрдан ортиқ узоқликда яшайдиган аҳолига хизмат кўрсатиш учун айрим туманларда (асосан Қорақалпоғистон Республикаси, Навоий, Қашқадарё, Жиззах ва Тошкент вилоятларида) туман ободонлаштириш бошқармаларининг қаттиқ маиший чиқиндилар филиалларга бириктирилган ҳудудларга ташиб кетилишини таъминлайдиган филиаллари ташкил этилади.</p> | | |
| 5. | <p>Қуйидагиларни таъминлаш: ахлат тўплаш майдончалари ва қаттиқ маиший чиқиндилар полигонлари учун ер ажратиш; полигонлар учун тегишли санитария-экология хулосаларини ва кадастр ҳужжатларини расмийлаштириш; тегишли техник талабларга жавоб берадиган махсус автотранспорт воситаларини сақлаш жойларини (гаражларни) ташкил этиш (транспорт воситалари учун ёпиқ тўхташ жойлари, ҳайдовчиларни ҳар куни кўрикдан ўтказиш учун тиббиёт пунктлари, транспортни техник кўрикдан ўтказиш, кўриқлаш жойлари, таъмирлаш устaxonалари); санитария жиҳатидан тозалаш бўйича ихтисослаштирилган ташкилотларининг санитария жиҳатидан тозалаш хизмати ва</p> | 2014 йил 1 январь | Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши ва вилоятлар ҳокимликлари, Табиатни муҳофаза қилиш давлат қўмитасининг ҳудудий бошқармалари, давлат санитария-эпидемиология назоратининг ҳудудий марказлари, «Давархитектқурилиш» қўмитасининг ҳудудий бошқармалари |

| Т/р | Тадбирлар номи | Бажариш муддати | Масъул бажарувчилар |
|-----|--|------------------|---|
| | ободонлаштириш бошқармаларининг ходимларини махсус кийим-бош (расмий кийим) билан таъминлаш. | | |
| 6. | <p>Куйидаги ҳисоб-китоблардан келиб чиқиб қўшимча ахлат тўплаш шохобчалари куриш:</p> <p>шаҳарларда — 5 та қўп квартирали уй учун 1 та ахлат тўплаш шохобчаси, ҳар бир пунктни 4 та контейнер билан жиҳозлаган ҳолда (ҳисоблаб чиқилгани бўйича 1480 та ахлат тўплаш шохобчаси, 8389 та контейнер);</p> <p>туман марказларида — 5 та қўп квартирали уй учун битта ахлат тўплаш шохобчаси, ҳар бир пунктни 2 та контейнер билан жиҳозлаган ҳолда (ҳисоблаб чиқилгани бўйича 2044 та ахлат тўплаш шохобчаси, 4088 та контейнер);</p> <p>шаҳар посёлкалари ва қишлоқ аҳоли пунктларида — 100 та уй хўжалигига битта ахлат тўплаш шохобчаси (ҳисоблаб чиқилгани бўйича 49268 та ахлат тўплаш шохобчаси).</p> | 2014-2015 йиллар | Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши ва вилоятлар ҳокимликлари, Табиатни муҳофаза қилиш давлат қўмитасининг ҳудудий бошқармалари, давлат санитария-эпидемиология назоратининг ҳудудий марказлари, санитария жиҳатидан тозалаш бўйича ихтисослаштирилган ташкилотлар ва ободонлаштириш бошқармалари |
| 7. | <p>Ишлаб турган қаттиқ маиший чиқиндилар полигонларини:</p> <p>145,5 минг п.м узунликдаги периметр бўйича атрофини ўраш; уларни бульдозерлар, автоюклагичлар, ағдарма машиналар (469 та) ва автотарозилар (175 та) билан жиҳозлаш.</p> | 2014-2015 йиллар | Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши ва вилоятлар ҳокимликлари, Табиатни муҳофаза қилиш давлат қўмитасининг ҳудудий бошқармалари, давлат санитария-эпидемиология назоратининг ҳудудий марказлари, санитария жиҳатидан тозалаш бўйича ихтисослаштирилган ташкилотлар ва ободонлаштириш бошқармалари |
| 8. | <p>Қаттиқ маиший чиқиндиларнинг янги полигонларини куриш:</p> <p>Бухоро шаҳри эҳтиёжлари учун 10 га майдонда 1 та полигон;</p> <p>Андижон, Булоқбоши, Зафаробод, Янгиобод, Муборак, Наманган, Оқолтин, Ховос, Бўстонлик, Оққўрғон, Оҳангарон, Чиноз, Қўштепа, Тошлоқ, Учқўприк ва Ҳазорасп туманлари эҳтиёжлари учун ҳар бирининг майдони 2 га бўлган 16 та полигон;</p> <p>туман марказларидан (80 километрдан 300 километргача) ва қаттиқ маиший чиқиндиларни кўмиш полигонларидан (40 километрдан ортиқ) анча йироқ масофада жойлашган қишлоқ аҳоли пунктларида санитария қоидалари ва нормалари йўл қўядиган</p> | 2014-2015 йиллар | Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши ва вилоятлар ҳокимликлари, Табиатни муҳофаза қилиш давлат қўмитасининг ҳудудий бошқармалари, давлат санитария-эпидемиология назоратининг ҳудудий марказлари, «Давархитектқурилиш» қўмитасининг ҳудудий бошқармалари |

| Т/р | Тадбирлар номи | Бажариш муддати | Масъул бажарувчилар |
|-----|--|-------------------|---|
| | минимал масофада (0,5 — 1,0 км) 0,5-1 га майдонли 107 та мини-полигон (1-илова*); ташкил этилаётган янги полигонларнинг 30,5 минг п. м узунликда периметр бўйича атрофини ўраш; шаҳарлар ва туманлар эҳтиёжлари учун ташкил этилаётган янги полигонларни бульдозерлар, автоюклагичлар ва ағдарма машиналар (51 та) ва автотарозилар билан жиҳозлаш. | | |
| 9. | Бухоро шаҳрида (Бухоро вилояти) ва Булоқбоши (Андижон вилояти), Бўстонлик ва Оҳангарон (Тошкент вилояти) туманларида қаттиқ маиший чиқиндиларнинг тўлган полигонларини тўлиқ ёпиш. | 2014 йил 1 июль | Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши ва вилоятлар ҳокимликлари, Табиатни муҳофаза қилиш давлат қўмитасининг ҳудудий бошқармалари, давлат санитария-эпидемиология назоратининг ҳудудий марказлари |
| 10. | Қаттиқ маиший чиқиндиларнинг эгасиз полигонларини туман ободонлаштириш бошқармаларига бериш (2-илова*). | 2014 йил 1 январь | Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши ва вилоятлар ҳокимликлари, «Ергеодезкадастр» давлат қўмитасининг ҳудудий бошқармалари, Табиатни муҳофаза қилиш давлат қўмитасининг ҳудудий бошқармалари |
| 11. | Қаттиқ маиший чиқиндиларни сортларга ажратиш ва қайта ишлаш бўйича тижорат тузилмаларини ташкил этишни, улар ўртасида кооперация алоқалари ўрнатилишини назарда тутувчи транспортда ташиш харажатларини қисқартириш мақсадида қаттиқ маиший чиқиндиларни, кейинчалик чиқитсиз қайта ишлашни ҳисобга олган ҳолда, сортларга ажратиш ва утилизация қилиш бўйича комплекс тадбирларни ишлаб чиқиш. | 2014 йил 1 апрель | Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши ва вилоятлар ҳокимликлари |
| 12. | Санитария жиҳатидан тозалаш бўйича ихтисослаштирилган ташкилотлар, ободонлаштириш бошқармаларининг хўжалик ҳисобидаги участкалари ва полигонлар фойдаланишга тошширилишига қараб қўшимча иш ўринлари ташкил этиш (бошқарув ва ишлаб чиқариш ходимлари: участкалар бошлиқлари, операторлар, механиклар, чилангар-таъмирловчилар, ҳайдовчилар, юк ортувчилар ва шу кабилар) (ҳисоблаб чиқилгани бўйича 4 853 нафар). | 2014-2015 йиллар | Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши ва вилоятлар ҳокимликлари, санитария жиҳатидан тозалаш бўйича ихтисослаштирилган ташкилотлар ва ободонлаштириш бошқармалари |

* 1-2-иловалар рус тилидаги матнда берилган.

| Т/р | Тадбирлар номи | Бажариш муддати | Масъул бажарувчилар |
|---|---|--|---|
| III. Санитария жиҳатидан тозалаш бўйича ихтисослаштирилган ташкилотларни ва ободонлаштириш бошқармаларини институционал мустақкамлаш | | | |
| 13. | <p>Санитария жиҳатидан тозалаш бўйича ихтисослаштирилган ташкилотларни ва ободонлаштириш бошқармалари хизматларидан фойдаланувчи жисмоний ва юридик шахсларни қуйидаги босқичларда ялпи хатловдан ўтказиш:</p> <p>1-босқич. Қарорга 9-10-иловаларга мувофиқ тегишли мутахассислар таркибида вилоят ҳокимининг алоҳида қарори асосида ишчи гуруҳлар ташкил этиш.</p> <p>2-босқич. Қаттиқ маиший чиқиндиларни ташиб кетиш хизматларидан амалда фойдаланувчи аҳоли сонини аниқлаш.</p> <p>3-босқич. Хатлов натижасида аниқланган аҳоли сонини шаҳар ва туман ички ишлар бошқармаларининг фуқароларнинг кириши-чиқиши ва расмийлаштириш бўлимлари, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари, статистика бошқармалари, оилавий поликлиникалар ҳамда сув, иссиқлик, газ ва электр таъминоти бўйича коммунал хизмат кўрсатиш корхоналарининг маълумотлари билан таққослаш.</p> <p>4-босқич. Шаҳардаги мавжуд юридик шахсларни хатловдан ўтказиш ва хатлов натижасида олинган маълумотларни статистика бошқармалари ва солиқ органларининг маълумотлари билан таққослаш.</p> <p>5-босқич. Санитария жиҳатидан тозалаш бўйича ихтисослаштирилган корхоналар ва ободонлаштириш бошқармаларининг хатлов натижасида аниқланган истеъмолчилар билан шартномалар тузиши.</p> <p>6-босқич. Санитария жиҳатидан тозалаш бўйича ташкилотларнинг абонент базасини шакллантириш.</p> | <p>2013 йил 10 декабрь</p> <p>2014 йил 10 январь</p> <p>2014 йил 20 январь</p> <p>2014 йил 10 январь</p> <p>2014 йил 1 февраль</p> | <p>Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши ва вилоятлар ҳокимликлари, Давлат статистика қўмитасининг ҳудудий бошқармалари, Ички ишлар вазирлиги ҳудудий бошқармалари, Хусусий уй-жой мулкдорлари ширкатлари уюшмаси, санитария жиҳатидан тозалаш бўйича ихтисослаштирилган ташкилотлар, ободонлаштириш бошқармалари</p> |
| 14. | <p>Шартномавий-ҳуқуқий ишларни такомиллаштириш: жисмоний ва юридик шахслар учун санитария жиҳатидан тозалаш бўйича хизматлар кўрсатиш учун намунавий шартномани ишлаб чиқиш;</p> <p>мавжуд қарздорликни фуқаролик судлари ва хўжалик судлари орқали ундириб олиш юзасидан зарур чора-тадбирлар кўриш.</p> | <p>2014 йил 1 февраль</p> <p>доимо</p> | <p>«Ўзкоммунхизмат» агентлиги, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши ва вилоятлар ҳокимликлари, санитария жиҳатидан тозалаш бўйича ихтисослаштирилган ташкилотлар, ободонлаштириш бошқармалари</p> |

| Т/р | Тадбирлар номи | Бажариш мuddати | Масъул бажарувчилар |
|-----|---|---|--|
| 15. | «Биллинг» компьютерлаштирилган дастурини жорий этиш йўли билан санитария жиҳатидан тозалаш бўйича ихтисослаштирилган ташкилотлар ва ободонлаштириш бошқармаларининг хўжалик ҳисобидаги бўлинмалари томонидан кўрсатиладиган хизматлар ҳажмини ва уларнинг абонентларини ҳисобга олиш тизимини автоматлаштириш. | 2014 йил 1 июль | Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши ва вилоятлар ҳокимликлари, Молия вазирлиги, санитария жиҳатидан тозалаш бўйича ихтисослаштирилган ташкилотлар, ободонлаштириш бошқармалари |
| 16. | Махсус автотранспорт воситаларини «GPS» узоқда туриб назорат қилишнинг автоматлаштирилган тизими билан жиҳозлаш ҳисобига улардан самарали фойдаланишни таъминлаш. | 2014 йил 1 июль | Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши ва вилоятлар ҳокимликлари, санитария жиҳатидан тозалаш бўйича ихтисослаштирилган ташкилотлар, ободонлаштириш бошқармалари |
| 17. | Санитария жиҳатидан тозалаш бўйича ихтисослаштирилган ташкилотлар ва ободонлаштириш бошқармаларининг хўжалик ҳисобидаги бўлинмалари томонидан қўлланиладиган амалдаги тарифларнинг ихтисодий асосланганлигини ўрганиш ва ўрганиб чиқиш якунлари бўйича туман (шаҳар) ҳокимликлари томонидан қаттиқ маиший чиқиндиларни ташиб кетиш хизматларига тарифларнинг янги даражаларини тасдиқлаш тўғрисида таклифлар киритиш. | 2014 йил 1 январь, сўнгра заруриятга кўра | Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши ва вилоятлар ҳокимликлари, ҳудудий молия органлари, санитария жиҳатидан тозалаш бўйича ихтисослаштирилган ташкилотлар, ободонлаштириш бошқармалари |
| 18. | Ободонлаштириш бошқармаларининг хўжалик ҳисобидаги бўлинмалари учун Ҳазначиликнинг ҳудудий бўлинмаларида алоҳида шахсий ҳисоб рақамлари очиш. Ободонлаштириш бошқармаларининг хўжалик ҳисобидаги бўлинмалари томонидан даромад ва харажатнинг алоҳида ҳисоби юритилишини, юқори молия органига ҳисоботлар топширилишини таъминлаш. | 2014 йил 1 январь | Ҳудудий молия органлари, Ҳазначиликнинг ҳудудий бошқармалари, санитария жиҳатидан тозалаш бўйича ихтисослаштирилган ташкилотлар, ободонлаштириш бошқармалари |
| 19. | Ободонлаштириш бошқармаларининг санитария жиҳатидан тозалаш бўлинмалари учун ходимларнинг мақбул сонини аниқлаш ва штат жадвалини белгиланган тартибда келишиш. | 2014 йил 1 январь | Ҳудудий молия органлари, ободонлаштириш бошқармалари |
| 20. | Санитария жиҳатидан тозалаш бўйича ихтисослаштирилган ташкилотлар ва ободонлаштириш бошқармаларининг хўжалик ҳисобидаги бўлинмалари томонидан абонентлар тўлиқ қамраб олиниши, даромадлар тушиши тўлиқлиги, дебиторлик-кредиторлик қарзларнинг ҳолати, ҳисоб ва ҳисобот юритилиши устидан доимий равишда мониторинг олиб бориш. | доимо | Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши ва вилоятлар ҳокимликлари, ҳудудий молиявий органлар, ҳудудий солиқ органлари |

| Т/р | Тадбирлар номи | Бажариш мuddати | Масъул бажарувчилар |
|--|---|---|--|
| IV. Қаттиқ маиший чиқиндиларни ташиб кетишнинг ташкил этилишини назорат қилиш ва мониторингини олиб бориш | | | |
| 21. | <p>Куйидагилар йўли билан чиқиндилар билан ишлаш масалаларида аҳолининг ҳуқуқий ва санитария-экологик саводхонлигини ошириш мақсадида аҳоли ўртасида кенг кўламли тушунтириш ишларини ташкил этиш:</p> <p>чиқиндиларни тўғри тўплаш ва ташиб кетишнинг санитария-экологик аҳамиятини оммавий ахборот воситалари орқали кенг ёритиш;</p> <p>санитария жиҳатидан тозалаш ҳамма жойда ташкил этилишини оммавийлаштирувчи радиоэшиттиришлар ва телекўрсатувларни, республика матбуотида ва маҳаллий матбуотда мақолалар эълон қилинишини мунтазам равишда ташкил этиш;</p> <p>санитария жиҳатидан тозалаш ташкилотларига реклама роликларини жойлаштириш учун имтиёзли эфир дақиқаларини белгиланган тартибда бериш, қаттиқ маиший чиқиндиларни ташиб кетиш хизматлари кўрсатиш тартиби ва қондаларини намойиш қилиш.</p> | <p>2014 йил 1 январгача ҳар куни, сўнгра мунтазам равишда ҳар ҳафтада</p> | <p>Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари, санитария жиҳатидан тозалаш бўйича ихтисослаштирилган ташкилотлар, ободонлаштириш бошқармалари, МТРК</p> |
| 22. | <p>Қаттиқ маиший чиқиндиларни ташиб кетиш ва кўмиб ташлашни ташкил этиш ва назорат қилиш моделига (3-илова) мувофиқ ҳар бир шаҳар ва туман бўйича аҳоли пунктларини санитария жиҳатидан тозалашни ташкил этиш тадбирлари режасини ишлаб чиқиш.</p> | <p>2014 йил 1 январь</p> | <p>Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлари ҳокимликлари</p> |
| 23. | <p>Минтақаларда санитария жиҳатидан тозалашни ташкил этиш масалалари бўйича Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши Раисининг ва вилоятлар ҳокимлари ўринбосарларининг, Ўзбекистон Республикаси Табиатни муҳофаза қилиш давлат кўмитаси, Давлат статистика кўмитаси, Соғлиқни сақлаш вазирлиги ва «Ўзавтосаноат» АК раҳбарларининг ҳисоботларини Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси Президиуми мажлисларида кўриб чиқиш.</p> | <p>ҳар чоракда</p> | <p>Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши ва вилоятлар ҳокимликлари, Табиатни муҳофаза қилиш давлат кўмитаси, Давлат санитария-эпидемиология назорати маркази</p> |

2014-2015 йилларда республика шаҳарлари,
туманлар марказлари, шаҳар посёлкалари ва
қишлоқ аҳоли пунктларида санитария
жиҳатидан тозалашни ташкил этишга
доир комплекс тадбирларга
З-ИЛОВА

49 (601)-сон

**Қаттиқ маиший чиқиндиларни ташиб кетиш ва кўмиб ташлашни
ташкил этиш ва назорат қилиш
МОДЕЛИ**

| Қаттиқ маиший чиқиндиларни ташиб кетишни ташкил этиш схемаси | Масъуллар | Назорат |
|--|--|---|
| <p align="center">I. Ихтисослаштирилган ташкилотларни ва туман ободонлаштириш бошқармаларини ташкил этиш ва жиҳозлаш</p> <p>Шаҳарларда: Куйидагилар: «GPS» узоқдан туриб назорат қилиш автоматлаштирилган тизимини ўрнатган ҳолда махсус техниканинг зарур сони; гараж; автоустахона ва автоювиш; тиббиёт пункти; маъмурий бино мавжуд бўлган ҳолда санитария жиҳатидан тозалаш бўйича ихтисослаштирилган ташкилотлар инфратузилмасини ташкил этиш.</p> <p>Туман марказлари, шаҳар посёлкалари ва қишлоқ аҳоли пунктларида яшовчи аҳолига хизмат кўрсатиш учун туман марказларида: Туман ободонлаштириш бошқармаларида қаттиқ маиший чиқиндиларни ташиб кетиш бўйича алоҳида хўжалик ҳисобидаги участкани ташкил этиш ва уни жиҳозлаш; махсус техниканинг зарур сони; гараж; автоустахона ва автоювиш; тиббиёт пункти; маъмурий бино.</p> | <p>Шаҳарлар ва туманлар ҳокимликлари, «Ўзавтосаноат» АК, тижорат банклари, ихтисослаштирилган ташкилотлар, туман ободонлаштириш бошқармалари</p> | <p>Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ҳокимликлари, Табиатни муҳофаза қилиш давлат кўмитаси, Соғлиқни сақлаш вазирлиги, «Ўзавтосаноат» АК, «Ўзкоммунхизмат» агентлиги</p> |

— 17 —


632-модда

Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўғрисида, 2013 й.


| Қаттиқ маиший чиқиндиларни ташиб кетишни ташкил этиш схемаси | Масъуллар | Назорат |
|---|---|--|
| <p>II. Қаттиқ маиший чиқиндилар билан ишлаш объектларини ташкил этиш ва жойлаштириш</p> <ol style="list-style-type: none"> 1. Ҳар бир шаҳарда санитария жиҳатидан тозалаш бўйича ихтисослаштирилган ташкилотлар ва туман марказлари, шаҳар посёлкалари ва қишлоқ аҳоли пунктларида туман ободонлаштириш бошқармаларининг қаттиқ маиший чиқиндиларни ташиб кетиш бўйича алоҳида хўжалик ҳисобидаги участкалари томонидан хизмат кўрсатиладиган ҳудудни аниқ тақсимлаш. 2. Аҳоли пунктларида зарур бўлган контейнерлар ва ахлат тўплаш майдончалари сонини аниқлаш ва жойлаштириш. 3. Янги ташкил этиладиган полигонлар учун ер участкалари ажратиш ва уларни жойлаштириш. 4. Аҳоли пунктлари ҳудудлари изчил қамраб олиниши ҳисобга олинган ҳолда тузилган қаттиқ маиший чиқиндиларни ташиб кетишнинг кундалик режа-жадвалини ишлаб чиқиш. 5. Махсус автотранспорт воситалари ҳаракати йўналишини ишлаб чиқиш. | <p>Шаҳарлар ва туманлар ҳокимликлари, «Ергеодезкадастр» давлат кўмитасининг; Соғлиқни сақлаш вазирлигининг; «Давархитектқурилиш» кўмитасининг ҳудудий органлари</p> | <p>Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ҳокимликлари, «Ергеодезкадастр» давлат кўмитаси; Табиатни муҳофаза қилиш давлат кўмитаси; Соғлиқни сақлаш вазирлиги; «Давархитектқурилиш» кўмитаси; «Ўзкоммунхизмат» агентлиги</p> |
| <p>III. Ахлатларни тўплаш шохобчалари қуриш ва уларни илова қилинаётган макетларга мувофиқ контейнерлар билан жиҳозлаш</p> | <p>Шаҳарлар ва туманлар ҳокимликлари, ихтисослаштирилган ташкилотлар ва туман ободонлаштириш бошқармалари</p> | <p>Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ҳокимликлари, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари</p> |
| <p>IV. Қаттиқ маиший чиқиндиларнинг янги полигонларини қуриш, ишлаб турган ва янги қаттиқ маиший чиқиндилар полигонларини махсус техника билан жиҳозлаш</p> | <p>Шаҳарлар ва туманлар ҳокимликлари, «Ўзавтосаноат» АК, Табиатни муҳофаза қилиш давлат кўмитаси, ихтисослаштирилган ташкилотлар ҳамда шаҳар ва туман ободонлаштириш бошқармалари</p> | <p>Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ҳокимликлари, Табиатни муҳофаза қилиш давлат кўмитаси, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари</p> |
| <p>V. Қаттиқ маиший чиқиндиларни ташиб кетиш бўйича хизматларга тарифларни тасдиқлаш</p> | <p>Ҳудудий молия бошқармалари</p> | <p>Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ҳокимликлари, Молия вазирлиги</p> |

| Қаттиқ маиший чиқиндиларни ташиб кетишни ташкил этиш схемаси | Масъуллар | Назорат |
|---|--|---|
| <p>VI. Қаттиқ маиший чиқиндиларни тўплаш, транспортда ташиш ва қўмишни ташкил этиш</p> <p>1. Санитария жиҳатидан тозалаш бўйича ташкилотларнинг хизматларидан фойдаланувчи жисмоний ва юридик шахсларни хатловдан ўтказиш.</p> <p>2. Санитария жиҳатидан тозалаш бўйича ихтисослаштирилган ташкилотлар ва туман ободонлаштириш бошқармаларининг қаттиқ маиший чиқиндиларни ташиб кетиш бўйича хўжалик ҳисобидаги участкалари томонидан хатлов натижасида аниқланган истеъмолчилар билан шартномалар тузиш.</p> <p>3. Қаттиқ маиший чиқиндиларни ташиб кетиш бўйича сифатли хизматлар кўрсатиш.</p> | <p>Шаҳарлар ва туманлар ҳокимликлари, ихтисослаштирилган ташкилотлар ва туманлар ободонлаштириш бошқармалари, Табиатни муҳофаза қилиш давлат қўмитасининг; Давлат статистика қўмитасининг; Соғлиқни сақлаш вазирлигининг; Давлат солиқ қўмитасининг; Ички ишлар вазирлигининг ҳудудий бошқармалари; фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари</p> | <p>Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ҳокимликлари, Табиатни муҳофаза қилиш давлат қўмитаси, Давлат статистика қўмитаси, Соғлиқни сақлаш вазирлиги, Ички ишлар вазирлиги, Давлат солиқ қўмитаси</p> |
| <p>VII. Қаттиқ маиший чиқиндиларни ташиб кетиш бўйича хизматлар кўрсатилганлиги учун маблағларнинг ўз вақтида йиғилишини ташкил этиш</p> | <p>Шаҳарлар ва туманлар ҳокимликлари, ихтисослаштирилган ташкилотлар ва туман ободонлаштириш бошқармалари, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари</p> | <p>Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ҳокимликлари</p> |
| <p>VIII. Қаттиқ маиший чиқиндилар билан ишлаш масалаларида ҳуқуқий ва санитария-экологик саводхонликни ошириш бўйича аҳоли ўртасида тушунтириш ишлари олиб бориш</p> | <p>Шаҳарлар ва туманлар ҳокимликлари, ихтисослаштирилган ташкилотлар ва туман ободонлаштириш бошқармалари, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари, Табиатни муҳофаза қилиш давлат қўмитаси, оммавий ахборот воситалари</p> | <p>Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ҳокимликлари, Табиатни муҳофаза қилиш давлат қўмитаси, МТРК</p> |


**Шаҳарларда ахлат тўплаш шохобчасининг
НАМУНАВИЙ МАКЕТИ**



Туман марказларида ахлатларни тўплаш шохобчасининг
НАМУНАВИЙ МАКЕТИ



Шаҳар типдаги посёлкаларда ва қишлоқ аҳоли пунктларида
ахлатларни тўплаш шохобчасининг
НАМУНАВИЙ МАКЕТИ



Контейнернинг намунаси



Контейнерлар 2 мм қалинликдаги пўлатдан тайёрланади. Қаттиқлик қовурғаси мавжудлиги конструкциянинг мустаҳкамлигини оширади.

Габарит ўлчамлари:

узунлиги — 900 мм;

кенглиги — 900 мм;

баландлиги — 1005 мм;

сиғими — 750 л (0,75 м куб);

юк қўтариши — қўпи билан 210 килограмм;

контейнер массаси — қўпи билан 70 килограмм;

коррозияга қарши қоплама типи — эмаль;

ранги — яшил.

Вазирлар Маҳкамасининг
2013 йил 3 декабрдаги 315-сон қарорига
9-ИЛОВА

**2014-2015 йилларда республика шаҳарлари, туман
марказлари, шаҳар посёлкалари ва қишлоқ аҳоли пунктларида
санитария жиҳатидан тозалашни ташкил этиш комплекс тадбир-
ларини бажариш бўйича Қорақалпоғистон Республикаси
Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ҳокимликлари
даражасидаги ишчи гуруҳ
ТАРКИБИ**

1. Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши Раиси, вилоятлар ҳокимлари — Худудий ишчи гуруҳ раҳбарлари.
2. Қорақалпоғистон Республикаси Молия вазири, вилоятлар молия бошқармалари бошлиқлари — ишчи гуруҳ раҳбарининг ўринбосарлари.
3. Табиатни муҳофаза қилиш давлат қўмитаси худудий бошқармалари бошлиқлари.
4. Давлат санитария-эпидемиология назорати худудий марказлари бошлиқлари.
5. «Давархитектқурилиш» қўмитаси худудий бошқармалари бошлиқлари.
6. Давлат рақобат қўмитаси худудий бошқармалари бошлиқлари.
7. Давлат статистика қўмитаси худудий бошқармалари бошлиқлари.
8. Қорақалпоғистон Республикаси Ички ишлар вазири, вилоятлар ички ишлар бошқармалари бошлиқлари.
9. «Маҳалла» фонди худудий органлари раислари.
10. Хусусий уй-жой мулкдорлари ширкатлари уюшмалари раислари.
11. Ўзбекистон МТРК ва бошқа оммавий ахборот воситалари худудий бўлинмалари раҳбарлари.

Вазирлар Маҳкамасининг
2013 йил 3 декабрдаги 315-сон қарорига
10-ИЛОВА

**2014-2015 йилларда республика шаҳарлари, туман
марказлари, шаҳар посёлкалари ва қишлоқ аҳоли пунктларида
санитария жиҳатидан тозалашни ташкил этиш комплекс
тадбирларини бажариш бўйича шаҳарлар ва туманлар
ҳокимликлари даражасидаги ишчи гуруҳ
ТАРКИБИ**

1. Шаҳар ва туман ҳокимлари — Ишчи гуруҳ раҳбарлари.
2. Шаҳар ва туман молия бўлимлари мудирлари — Ишчи гуруҳ раҳбарининг ўринбосарлари.
3. Давлат санитария-эпидемиология назорати шаҳар ва туман марказлари бошлиқлари.
4. Табиатни муҳофаза қилиш давлат қўмитаси шаҳар ва туман инспекциялари бошлиқлари.
5. Давлат статистика қўмитаси шаҳар ва туман бўлинмалари бошлиқлари.
6. Шаҳар ва туман ички ишлар бўлимлари бошлиқлари.
7. «Маҳалла» фонди шаҳар ва туман бўлинмалари раислари.
8. Шаҳар ва туман хусусий уй-жой мулкдорлари ширкатлари уюшмалари раислари ҳамда фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари раислари.
9. Санитария жиҳатидан тозалаш ва ободонлаштириш бошқармаси ихтисослаштирилган ташкилотлари раҳбарлари.

Вазирлар Маҳкамасининг
2013 йил 3 декабрдаги 315-сон қарорига
11-ИЛОВА

**Вазирлар Маҳкамасининг «Республика аҳоли пунктларини
ободонлаштириш ишларини ташкил этишни такомиллаштириш
чора-тадбирлари тўғрисида» 2013 йил 10 январдаги 4-сон
қарорига киритилаётган ўзгартириш ва қўшимчалар**

1. 2-бандга қуйидаги мазмундаги хатбоши қўшилсин:
«қаттиқ майший чиқиндиларни йиғиш, ташиш ва кўмиб ташлаш».
2. 1-иловада:
- 4-бандга қуйидаги мазмундаги хатбоши қўшилсин:
«қаттиқ майший чиқиндиларни йиғиш, ташиш ва кўмиб ташлаш».
- 5-бандда:

қўйидаги мазмундаги ўн еттинчи ва ўн саккизинчи хатбошилар қўшилсин:


«жисмоний ва юридик шахсларга шартнома асосида қаттиқ маиший чиқиндиларни ташиб кетиш бўйича пулли санитария-тозалаш хизматлари кўрсатиш;

ободонлаштириш бошқармаларининг ахлатларни йиғиш шохобчаларини ва қаттиқ маиший чиқиндилар полигонларини санитария нормалари ва қоидаларига мувофиқ сақлаш ва улардан фойдаланиш»;

ўн еттинчи хатбоши ўн тўққизинчи хатбоши деб ҳисоблансин.

3. 3-илова матни қўйидаги таҳрирда баён қилинсин:

«Вилоятларга (Қорақалпоғистон Республикасида — республикага) бўйсунувчи шаҳарлар ва туманлар ободонлаштириш бошқармаларининг НАМУНАВИЙ ТУЗИЛМАСИ



* Жисмоний ва юридик шахсларга қаттиқ маиший чиқиндиларни ташиб кетиш бўйича хизматлар кўрсатишдан олинган маблағлар ҳисобига молиялаштирилади.

Ходимларнинг чекланган сони:

бошқарув ходимлари (БХ — 9 киши;

муҳандис-техник ходимлар (МТХ) — 2 киши;

ўрдамчи ходимлар — 6 киши.

Изоҳ: ишлаб чиқариш ходимлари сони бажариладиган ишлар ҳажмига кўра белгиланади».